БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

11-йил чиқиши

№ 176 (2894).

6 сентябрь ЯКШАНБА 1964 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК ВИЗИТИ ТУГАЛЛАНДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси 5 сентябрда Прагадан Москвага қайтиб келди. Делегация Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, қардош Чехословакияда бўлган эди. Делегация визит вақтида Словакия миллий қўзғолонининг 20 йиллиги байрамида ҳам қатнашди.

Шереметьево аэродромида делегацияни Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, Д. С. Полянский, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, А. Н. Шелепин ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Я. Э. Калнберзин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида чет эл дипломатлари, Москва меҳнаткашларининг вакиллари бор эди. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Тухум ва парранда гўшти етиштиришни саноат тарзида ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни қайд қилиб ўтдиларки, сўнгги йилларда йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида барпо этилган паррандачилик фабрикалари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методлар ва фан ютуқларидан фойдаланиб, парранда маҳсулдорлигини анча оширишга, меҳнат сарфларини камайтиришга, озуқадан рационалроқ фойдаланишга эришдилар, бу эса тухум таннархини кескин камайтиришга имкон берди. Паррандачилик фабрикаларининг аксарий кўпчилиги рентабелли корхоналар бўлиб, ана шу фабрикаларга сарфланган капитал маблағлар қисқа муддат ичида қопланмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсивлаштирилаётганлиги изчиллик билан ихтисослаштириб борилаётганлиги сабабли, ҳозирги вақтда йирик шаҳарлар ва саноат марказларининг шаҳар атроф зоналарида паррандачилик фабрикалари қуришни анча кенгайтириш, шундай фабрикаларда тухум ва парранда гўштини саноат тарзида етиштиришни кўпайтириш, шу тарика шаҳарлар ва саноат марказларидаги аҳолининг тухумга ва парранда гўштига эҳтиёжларини қондириш учун ҳамма имкониятлар бор.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларининг 1970 йилда паррандачилик фабрикалари ҳамда наслдор паррандачилик хўжаликларида тухум етиштиришни 15,4 миллиард донага, шу жумладан паррандачилик фабрикаларида тухум етиштиришни 14 миллиард донага ва парранда гўшти етиштиришни 811 минг тоннага етказиш, 1965—1970 йилларда тухум етиштирувчи 508 та паррандачилик фабрикасини ҳамда парранда гўшти етиштируўчи 258 та паррандачилик фабрикасини қуриш ва кенгайтириш тўғрисидаги таклифларини қабул қилдилар. 1970 йилгача мамлакатда ҳаммаси бўлиб, 788 та йирик паррандачилик фабрикаси, шу жумладан йилига 100—150 миллион ва ундан ҳам кўпроқ тухум етиштирадиган 23 та паррандачилик фабрикаси, 50—80 миллион тухум етиштирадиган 34 та паррандачилик фабрикаси, 40 миллион донадан тухум етиштирадиган 171 та паррандачилик фабрикаси барпо этилади, қолган фабрикалар эса йиллига 20 миллион донадон тухум етиштирадиган бўлади. Ана шу фабрикалар ихтисослаштирилган совхозлар ва колхозлар билан биргаликда йилига 30 миллиард дона тухум етиштиради.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ва СССР Госстройи ҳар бири йилига 20—40 миллион дона тухум ёки 1—2 миллион бройлер етиштирадиган паррандачилик фабрикалари ва паррандачилик совхозларининг қурила бошлаган пайтидан бошлаб бир яримикки йил ичида, бундан каттароқ паррандачилик фабрикаларининг эса икки—уч йил ичида фойдаланишга топширилишини таъминлашлари шарт.

Паррандачилик фабрикаларини муваффақиятли қуриш ва уларни кўрсатилган муддатларда фойдаланишга топириш учун саноатда ва шаҳарларда қурилиш ишларини амалга ошираётган йирик қурилиш ташкилотлари паррандачилик фабрикаларини қуришга жалб этилади.

Аҳолининг паррандачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида партия совет ва қишлоқ хўжалик органлари паррандачилик фабрикаларида ва ихтисослаштирилган совхозларда тухум ва парранда гўшти етиштириши кўпайтириш билан бир вақтнинг ўзида зарур шарт-шароитлари бўлган бошқа йўналишдаги колхоз ва совхозлар ичида хўжаликни ихтисослаштириш асосида, паррандачиликни бутун чоралар билан ривожлантириб бундай хўжаликларда механизациялаштирилган йирик паррандачилик фермалари ташкил этишлари керак.

Шу нарса кўзда тутиладики, СССР Госплани, СССР Госстройи, СССР Халқ хўжалиги кенгаши ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари 1965 йилдан бошлаб, паррандачилик фабрикалари ҳамда паррандачилик маҳсулотлари етиштирувчи бошқа ихтисослаштирилган корхоналар қуришни комплекс равишда планлаштиришлари лозим.

Шу муносабат билан СССР Госпланига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг министрлар Советларига 1966—1970 йилларга мўлжалланган план лойиҳасида зарур капитал маблағлар ажратишни, бу маблағларни ишлаб чиқариш бинолари, турар-жойлар, болалар боғчаси ва яслилари, мактаблар ҳамда бошқа маданий маиший объектлар қуришга сарфлашни кўзда тутиш вазифаси топширилди.

СССР Давлат банкига ва СССР Қурилиш банкига паррандачилик фабрикалари ҳамда бошқа паррандачилик хўжаликлари қурилишини йиллик лимитлар кварталларга қандай тақсимлаб қўйилганидан қатъий назар, ана шу лимитлар чегарасида маблағ билан таъминлаб туриш вазифаси топширилди ҳамда уларга паррандачилик фабрикалари ҳамда бошқа паррандачилик хўжаликлари капитал маблағлар сарфлаш йиллик планини ошириб бажарган тақдирда, кечи билан келгуси йилнинг февраль ойида узиш шарти билан бажарилган ишларнинг, ускуналарнинг ҳақини тўлаш ва бошқа чиқимлар қилиш учун уларни кредит билан таъминлаш ҳуқуқи берилди.

Ихтисослаштирилган паррандачилик хўжаликларига раҳбарлик қилиш учун СССР Иттифоқ-республика Паррандачилик саноати бошқармаси (СССР Птицепроми) ташкил қилинди. Иттифоқдош республикаларда иттифоқ-республика паррандачилик саноати бошқармалари (иттифоқдош республикаларнинг птицепромлари) ёки паррандачилик трестларини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

СССР Птицепроми, иттифоқдош республикаларнинг паррандачилик саноати бошқармалари ва паррандачилик трестлари зиммасига қуйидаги вазифалар юкланди:

Саноат тарзида тухум ва парранда гўшти етиштиришни ташкил этиш ҳамда паррандачилик корхоналарининг давлатга ана шундай маҳсулотлар сотиши юзасидан белгиланган планларни бажариш;

паррандачилик фабрикаларида ва ихтисослаштирилган хўжаликлар шохобчасида паррандачилик селекциясини, паррандаларни гибридлаштиришни, наслчилик ишларини ташкил этиш, колхоз ва совхозларнинг паррандачилик фермаларини сермаҳсул зотли ва гибрид паррандалар билан таъминлаш;

аралаш озуқаларнинг рецептларини ишлаб бериш, паррандалар учун аралаш озуқалар тайёрлашнинг ташкил этилиши ва сифати устидан контроль ўрнатиш ҳамда шундай озуқалардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

паррандачиликни йирик саноат тарзида ташкил этишнинг прогрессив методларини ва тухумларни инкубациядан чиқаришнинг замонавий технологиясини, паррандаларни боқиш ва парвариш қилиш технологиясини шунингдек паррандаларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, меҳнатни ташкил этиш ва нормалашнинг энг рационал шаклларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш процессларини тухум ва парранда гўшти етиштиришга сарфланадиган меҳнат ва маблағни камайтирадиган қилиб кенг механизациялаштириш;

капитал қурилиш ишларини (заказчи ҳуқуқи билан) амалга ошириш, қурилишларни лойиҳа — смета ҳужжатлари билан таъминлаш, технология, энергетика ускуналарини ва кабель буюмларни белгиланган тартибда етказиб бериш;

паррандачилик соҳасидаги илмий тадқиқот муассасаларига раҳбарлик қилиш;

ўз қўл остидаги корхоналарни маблағ билан таъминлаш ҳамда моддий-техника фондларини тақсимлаш;

раҳбар кадрларни ва мутахассисларни ганлаш ва жойжойига қўйиш, паррандачилик мутахассислари тайёрлаш, шунингдек паррандачилик ходимларининг малакасини ошириш;

паррандачилик фабрикалари, паррандачилик совхозлари, наслчилик хўжаликлари, инкубатория-паррандачилик станциялари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг структурасини ва типовой штатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш.

Паррандачилик фабрикаларига, ихтисослаштирилган паррандачилик совхозларига ва инкубатория-паррандачилик станцияларига раҳбарлик қилиш юзасидан республика, ўлка, область ёки областлараро ихтисослаштирилган трестлар ташкил қилиб, бу трестларни тегишли иттифоқдош республикаларнинг Птицепромларига бўйсундириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Йирик шаҳарлар ва саноат марказларининг шаҳаратроф зоналарида тухум ва парранда гўшти етиштиришни кўпайтириш тўғрисида» 1963 йил 8 январь қарорида кўзда тутилган паррандачилик фабрикалари қуришни тезлаштириш ва ана шу фабрикаларнинг қувватларини ишга туширишни тадбирлари тасдиқланди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ва СССР Птицепромига паррандачилик фабрикалари ва паррандачилик совхозларининг ҳамма имкониятларидан фойдаланиб, асосий тармоқ сифатида паррандачиликни максимал ривожлантириш кераклигини назарда тутиб, 1964—1965 йилларда ҳар бир паррандачилик фермаси билан паррандачилик совхозини чуқур ихтисослаштириш тадбирларини амалга ошириш, шунингдек паррандаларни ва паррандачилик хўжалигида қолдириш мақсадга мувофиқ деб топилган бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларини витаминли, ширали озуқалар билан ва зарур бўлиб қолган ҳолларда ембоп дон билан таъминлаш учун ҳар қайси хўжаликда ана шундай озуқа етиштириш учун етарли миқдорда ер майдонлари бўлишини белгилаб бериш вазифаси топширилди.

СССР Госстройи, СССР Птицепроми ва иттифоқдош республикаларнинг министрлар Советлари паррандачилик бинолари (паррандахоналар, бройлерхоналар, селекцияхоналар ва ҳоказолар) қурилишини арзонлаштириш чораларини амалга оширишлари ҳамда илғор тажрибани умумлаштириш ва чет эл практикасини ўрганиш асосида, мамлакатдаги айрим зоналарнинг табиий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олиб 1965—1966 йилларда паррандачилик фабрикалари ва паррандачилик фермаларининг энг тежамли типовой лойиҳаларини ишлаб чиқишни таъмин этишлари керак.

СССР Птицепроми системасида қурилаётган паррандачилик фабрикаларига, шунингдек паррандани қайта ишлочи ва аралаш озуқа тайёрловчи корхоналарнинг цехларига технология ускуналарини ўрнатиш соҳасидаги санитария-техника, монтаж ва созлаш ишларини бажариш қуйидагилар зиммасига юклатилди:

РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Молдавия ССР ва Арманистон ССРда — СССР Монтаж ва махсус бинокорлик ишларни давлат ишлаб чиқариш комитетига;

Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда — СССР Ўрта Осиё иқтисодий райони қурилиш давлат ишлаб чиқариш комитетига;

Қозоғистон ССР, Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССРда — ана шу республикаларнинг қурилиш министрликларига.

СССР Госпланига, СССР Халқ хўжалиги кенгашига, СССР Авиация техникаси давлат комитетига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1964—1969 йилларда паррандачилик фабрикаларини механизациялаш учун машиналар ва ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

СССР Госпланига, СССР Халқ хўжалиги кенгашига, РСФСР Министрлар Советига ва Украина ССР Министрлар Советига паррандачилик фабрикалари, паррандачилик совхозлари ва фермалари учун машина ва ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини «Союзсельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмаси билан СССР Птицепроминг заявкаларига мувофиқлаштирилган миқдорларда ва номенклатурада ривожлантириши 1965—1967 йилларгаги план лойиҳаларида кўзда тутиш, шунингдек мана шу мақсад учун зарур капитал маблағларни ажратиш вазифаси топширилди.

Паррандачилик фабрикаларини ва ихтисослаштирилган бошқа паррандачилик корхоналарини ускуналар билан таъминлаш тадбирлари белгиланди.

Паррандачиликни ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини таркибидаги озуқа моддалари бир-бирига мослаштирилган тўйимли ем-хашак билан таъминлаш катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, СССР Госплани СССР Халқ хўжалиги кенгаши, СССР Балиқ хўжалиги давлат ишлаб чиқариш комитети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари таркибида оқсил моддаси гоят кўп бўлган озуқалар ишлаб чиқаришни 1970 йилда қуйидаги миқдорларга: қуруқ озуқа ачитқисини 2.016,4 минг тоннагача шу жумладан нефть углеводородларидан тайёрланадиган ачитқини 1000 минг тоннага, гидролиз хомашёсидан тайёрланадиган ачитқини 840 минг тоннага ва озиқ-овқат саноатининг чиқиндиларидан тайёрланадиган ачитқини 176,4 минг тоннага; гўшт-суяк ва қондан тайёрланадиган талқонни 500 минг тоннагача, озуқабоп балиқ ва кит талқонини 400 минг тоннагача; қуруқ сузмани 100 минг тоннагача етказишлари керак.

Белгилаб қўйилдики 1965 йилдан бошлаб гўшт-суяк, қон ва балиқ талқони, қуруқ озуқа ачитқилари, кепак, шунингдек кунжара ва шротнинг ҳамма ресурслари (мойли уруғ топширувчиларга сотиш учун ажратиладиган кунжара билан шрот бунга кирмайди) иттифоқдош республикаларга фақат аралаш озуқа ва емга қўшиб бериладиган оқсилли-витаминли моддалар тайёрлаш учунгина ажратиб берилади.

Паррандалар учун 7.150 минг тонна (шу жумладан 5.500 минг тонна донадор) махсус аралаш озуқалар тайёрлаш ҳамда паррандачилик учун 2.300 минг тонна дон озуқаси ажратиш, шунингдек хўжаликларда озуқани тўйимли қилиш учун 1.500 минг тонна оқсилли—витаминли моддалар ишлаб чиқариш юзасидан иттифоқдош республикаларга 1970 йил учун белгиланган топшириқ тасдиқланди.

Паррандачилик фабрикалари ва бошқа паррандачилик хўжаликларидаги паррандаларни тўйимли аралаш озуқа билан тўхтовсиз таъминлаб туриш учун иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Птицепроми билан келишиб, ана шу хўжаликларни аралаш озуқа заводларига биркитиб қўйишлари керак.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1965—1967 йилларда витаминли хашак талқонини аралаш озуқа корхоналарига ва СССР Птицепроми системасидаги корхоналарга етказиб бериш учун сунъий усулда қуритилган витаминли хашак талқонини кўплаб тайёрлаб берувчи ихтисослаштирилган хўжаликлар шохобчасини ташкил этиш вазифаси топширилди, токи сунъий усулда қуритилган витаминли хашак талқони ишлаб чиқариш 1970 йилда 2,5 миллион тоннага етказилсин, шунинг 1,6 миллион тоннаси давлат аралаш озуқа саноати корхоналарига ва СССР Птицепроми системасидаги корхоналарга етказиб берилсин.

Сунъий усулда қуритилган витаминли хашак талқони ишлаб чиқариш ва уни аралаш озуқа саноати корхоналарига ҳамда СССР Птицепроми системасидаги корхоналарга сотишдан ташқари ихтисослаштирилган хўжаликларнинг манфаатдорлигини ошириш учун иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига:

Ана шу хўжаликларни сунъий усулда қуритилган витаминли хашак талқонини кўплаб ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришни назарда тутиб, давлатга чорва маҳсулотлари сотиш юзасидан уларга топшириқлар белгилаб қўйиш;

сунъий усулда қуритилган витаминли хашак талқонининг таркибидаги каротин ва протеин моддасини ҳисобга олиб, бундай талқон учун табақалаштирилган харид (топшириш) нархлари жорий қилиш;

сунъий усулда қуритилган витаминли хашак талқони ишлаб чиқарувчи хўжаликларни электр энергияси билан бетўхтов таъминлаб туриш, шунингдек бу хўжаликларга тракторлар, сушилкалар, плюшчилкалар, жодили косилкалар, кузовининг хажми катта бўлган трактор прицепсамосваллари, махсус қоплар ҳамда бошқа зарур материаллар ва ускуналар етказиб бериш вазифаси топширилди.

Паррандалар учун тўйимли аралаш озуқа ишлаб чиқаришни таъминловчи тадбирлар тасдиқланди.

Паррандаларнинг маҳсулодорлигини кескин ошириш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган озуқани ва меҳнатни камайтириш ва маҳсулот таннархини озайтириш мақсадида СССР Птицепроми ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари паррандачилик фабрикаларида ва бошқа паррандачилик товар хўжаликларида асосан конкурс-синаш станцияларида давлат синовидан ўтган зотли ва гибрид паррандалардан фойдаланишлари керак.

Шу муносабат билан СССР Птицепромига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1964 — 1967 йилларда мавжуд наслдор паррандачилик хўжаликлари негизида ва янги хўжаликлар барпо этиш йўли билан товуқларнинг тухум қиладиган ва семириладиган наслларини етиштирувчи наслчилик заводлари, шунингдек репродукциячи хўжаликлар ва конкурс-синаш станциялари ташкил этиш вазифаси топширилди.

Паррандачилик фабрикалари, ихтисослаштирилган паррандачилик совхозлари, наслчилик хўжаликлари ва СССР Птицепроми системасидаги бошқа корхоналар ишчилари, хизматчилари ва мутахассисларининг моддий манфаатдорлигини ошириш тадбирлари тасдиқланди.

Паррандачилик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштириш асосида йирик саноат ишлаб чиқариши шароитида паррандаларни парвариш қилиш ва боқишнинг прогрессив технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида СССР Птицепроми ҳузурида паррандачилик билан шуғулланувчи илмий марказ барпо этишга қарор қилинди.

Шу муносабат билан мазкур илмий марказни ташкил этиш учун СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Бутуниттифоқ паррандачилик илмий тадқиқот институти паррандачилик соҳасидаги илмий марказнинг бош институти сифатида Бутуниттифоқ паррандачилик илмий-тадқиқот ва технология институтига айлантирилиб;

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Ленинград ветеринария илмий тадқиқот институти паррандаларнинг касалликлари Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтига айлантирилиб;

РСФСР Қишлоқ маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг Пятигорск ва Калининдаги паррандаларнинг касалликлари илмий ишлаб чиқариш лабораториялари паррандаларнинг касалликлари Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтларининг филиалларига айлантирилиб;

Украина Қишлоқ хўжалик министрлигининг Украина паррандачилик илмий-тадқиқот институти (паррандачилик соҳасидаги илмий марказнинг Украина филиали сифатида) СССР Птицепромига олиб берилади.

СССР Птицепромига СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва тегишли иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан келишиб, Шимолий Кавказ, Ғарбий Сибирь, Узоқ Шарқ, Ўрта Осиё, Белоруссия, Қозоғистон, Закавказье, Болтиқ бўйи зона паррандачилик тажриба станциялари ташкил этиб, уларни паррандачилик илмий марказининг филиаллари сифатида марказ составига киритиш вазифаси топширилди.

СССР Птицепроми ҳузуридаги паррандачилик илмий марказининг зиммасига паррандачилик ва паррандани қайта ишлаш масалалари юзасидан бошқа министрликлар ва бошқармаларга қарашли илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртлари бажараётган илмий-тадқиқот ишларини координациялаштириб бориш вазифаси юкланди.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Госплани ва СССР Птицепроми ривожланиб бораётган паррандачиликнинг паррандашунос зоотехникларга бўлган эҳтиёжларини яқин йиллар ичида қондиришни назарда тутиб, мавжуд қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг кундузги ва сиртқи бўлимларида ана шундай мутахассислар тайёрлашни кўпайтиришлари керак.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига СССР Птицепроми билан келишиб, ихтисослаштирилган паррандачилик хўжаликлари негизида ўрта малакали мутахассислар тайёрловчи техникумларнинг ва уста паррандабоқарлар тайёрловчи мактабларнинг зарур шохобчасини ташкил этиш таклиф қилинди.

СССР Госстройига, СССР Госпланига, СССР Халқ хўжалиги кенгашига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига паррандачилик фабрикаларини ва бошқа паррандачилик хўжаликларини қуриб бераётган қурилиш ташкилотларини машиналар, ускуналар, механизмлар ва материаллар билан таъминлаш, шунингдек ана шу ташкилотларнинг ўз ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш учун зарур миқдорда капитал маблағ ажратиш масаласини қараб чиқиш вазифаси топширилди.

СОВЕТ-ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДЎСТЛИГИ АБАДИЙДИР

ПРАГА, 4 сентябрь. (ТАСС). Бугун Прага Кремлида Совет-Чехословакия Қўшма баёноти имзоланди.

Баёнотни КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ЧССР президенти Антонин Новотний имзоладилар.

Баёнот имзолангандан кейин Антонин Новотний ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладидар.

А. НОВОТНИЙ НУТҚИ

Дўстлигимизнинг мустаҳкам негизлари, деди нутқининг бошида А. Новотний, чехословак ва совет халқлари герман фашизмига қарши ва халқларимизни озод қилиш учун биргаликда олиб борган курашда яратилган эди. 1945 йилдан кейин бу дўстлик йилдан-йилга мустаҳкамланаберди ва ҳозир ҳаётимиздаги социалистик ривожланиш ва тараққиётнинг асосий ўзаги бўлиб қолди.

Шу кунларда бўлиб ўтган музокараларимиз вақтида, деди у, халқаро сиёсатнинг асосий масалаларига қарашларда орамизда ҳеч қандай зиддиятларнинг йўқлиги ҳамда тинчлик учун ва тинч-тотув яшаш принципларчнинг ғалабаси учун, социализм ғалабаси учун кураш—ҳар иккала мамлакатларимиз ташқи сиёсатининг асосий йўли эканлиги тасдиқланди.

Биз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка кўп вақтимизни ажратдик, деди сўнгра А. Новотний, шу ҳамкорликнинг ҳозирги ривожланишини анализ қилиб, бу ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат фойдасига муттасил чуқурлашиб бормоқда, деган хулосага келдик.

Музокаралар вақтида, деб сўзини давом эттирди у, ҳар иккала делегация социалистик интернационализм принципларига мувофиқ, социалистик мамлакатлар бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида бундан буён қилинадиган ҳаракатлар ҳусусида умумий бир фикрга келдилар. Социалистик интернационализм принциплари бутун фаолиятимизнинг негизидир.

А. Новотний шунингдек музокаралар вақтида ҳозирги замондаги аҳволга ва унинг бундан кейинги ривожланиш перспективасига баҳо беришда фикрларнинг муштараклиги қайд қилиб ўтилди, деди. Делегацияларимиз Коммунистик партиялар кенгашини чақиришни зарур деб ҳисоблайдилар. Бу кенгашда коммунистик ҳаракатдаги ҳозирги аҳвол муҳокама қилинди.

Хитой Коммунистик партияси раҳбарларининг сиёсати ва уларнинг ҳатти-ҳаракатлари халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини қўпол равишда бузиш, пролетар интернационализмини бузишдир ва Хитой Коммунистик партияси раҳбар намоёндалари халқаро коммунистик ҳаракатнинг сафини бузишга қаратилган йўлдан онгли равишда бормоқдалар, деган фикрга ҳар иккала делегациямиз қўшилдилар.

А. Новотний ўз нутқининг охирида Н. С. Хрушчевга, КПССга ва бутун совет халқига Чехословакияга қилган ҳамма яхшиликлари учун миннатдорчилик билдирди ва уларга коммунизм қуриш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Н. С. Хрушчев Чехословакия тупроғида делегацияни гоят самимий ва шодиёна кутиб олганликлари учун совет партия-ҳукумат делегацияси номидан чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қилди. Биз бунга — деди Н. С. Хрушчев, — чехословак халқининг Совет Иттифоқи халқларига нисбатан қардошлик туйғулари ифодаларидан бири, деб биламиз. Биз Ватанимизга қайтиб боргач, ана шу меҳр-муҳаббат ва дўстлик туйғуларини совет кишиларига маълум қиламиз.

Азиз ўртоқлар, сизларни, Чехословакиянинг барча меҳнаткашларини ишонтириб айтмоқчиманки, деди Н. С. Хрушчев, совет кишилари ҳам чехословак халқига нисбатан худди шундай қизғин қардошлик туйғуларини изҳор қилади.

А. Новотний ўз нутқининг охирида Н. С. Хрушчевга, КПССга ва бутун совет халқига Чехословакияга қилган ҳамма яхшиликлари учун миннатдорчилик билдирди ва уларга коммунизм қуриш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Н. С. Хрушчев Чехословакия тупроғида делегацияни гоят самимий ва шодиёна кутиб олганликлари учун совет партия-ҳукумат делегацияси номидан чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қилди. Биз бунга — деди Н. С. Хрушчев, — чехословак халқининг Совет Иттифоқи халқларига нисбатан қардошлик туйғулари ифодаларидан бири, деб биламиз. Биз Ватанимизга қайтиб боргач, ана шу меҳр-муҳаббат ва дўстлик туйғуларини совет кишиларига маълум қиламиз.

Азиз ўртоқлар, сизларни, Чехословакиянинг барча меҳнаткашларини ишонтириб айтмоқчиманки, деди Н. С. Хрушчев, совет кишилари ҳам чехословак халқига нисбатан худди шундай қизғин қардошлик туйғуларини изҳор қилади.

Биз ҳар иккала мамлакат бундан буён ҳам тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш сиёсатини изчиллик билан ўтказажакларини айтиб, бундай деди: Биз уруш ва тинчлик масалаларида Хитой бузғунчилари мажбуран қабул қилдирмоқчи бўлган методларга қаршимиз. Хитой бузғунчилари термоядро уруши хатарли эмас, жаҳон уруши харобалари устида одамлар янги маданиятни вужудга келтирадилар, деб даъво қилишгача бориб етдилар. Аммо, бу йўл авантюризм йўлидир. Бу йўл халқ кучларига, социализм кучларига ишонмасликка асосланади. Халқларни империализмнинг агрессив кучларига қарши актив курашга сафарбар қилиш — марксчи-ленинчиларнинг бурчидир. Тинчлик ва социализм кучлари ер юзида тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилаоладилар, жаҳон термоядро урушига йўл қўймасликка қодирдирлар.

Н. С. Хрушчев жаҳон коммунистик ҳаракати сафларининг бирлигини мустаҳкамлаш зарур эканлиги ҳақида гапириб. Хитой Компартияси раҳбарларининг бузғунчилик ҳаракатларини қоралади. Хитой Компартияси раҳбарларининг ана шу бузғунчилик ҳаракатларидан империалистлар турли йўллар билан фойдаланмоқдалар. Н. С. Хрушчев бундай деди: Марксчи-ленинчи партиялар вакилларининг кенгашини ўтказиш зарурати туғилди.

Қардош партияларнинг кўпчилиги, деди Н. С. Хрушчев, бундай кенгашни чақириш зарур, деб ҳисобламоқда. Аммо, баъзи партияларнинг раҳбарлари бу масалада жуда ғалати позицияда турибдилар. Хитой Компартиясининг раҳбарлари узоқ вақт мобайнида ўзларини коммунистик ва ишчи партиялар кенгашини тезроқ чақириш ташаббускорлари қилиб кўрсатиб келдилар. Улар ўша вақтда бундай кенгашнинг чақирилиши халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш учун, социализм иши учун наф келтиради, деб айтган эдилар. Марксчи-ленинчи партиялар Хитой раҳбарларининг бузғунчилик ниятларини, уларнинг буюк давлатчилик интилишларини пайқаганликларини сезиб олганларидан кейин, эндиликда улар 180 градус бурилиш ясадилар.

Уларнинг ўз тактикасини ўзгартирганликларига сабаб нима? Бунга сабаб шуки, улар жаҳон коммунистик ҳаракатида ўзларининг бузғунчилик ҳаракатлари учун фурсатдан ютиб чиқмоқчи бўладилар, ўзларининг таянч пунктларини вужудга келтирмоқчи бўладилар ва бу таянч пунктларидан фойдаланиб қардош партияларнинг сафини бузиш, уларни ўз таъсирига бўйсундириш ниятидадирлар. Ҳозирги вақтда улар ўз юртларида бузғунчи группалар вакилларининг кенгашини енг ичида ўтказмоқдалар, Совет Иттифоқига, бошқа социалистик мамлакатларга ва қардош партияларга туҳмат қилиш учун бутун кучларини сафарбар қилмоқдалар.

Марксизм-ленинизм асосида жипслашиш, тинчлик ва социализм манфаатларини кўзлаб, куч-ғайратларимизни бирлаштириш учун изчиллик билан кураш олиб боришимиз зарур, деб таъкидладди Н. С. Хрушчев. Жипслик учун курашиш — революцион кучларни синфий душманларимизга қарши сафарбар этиш демакдир. Жипслик учун курашиш — халқларимизнинг жипслигига қарши чиқаётган бузғунчиларни фош қилиш демакдир.

Биз марксча-ленинча позицияларда турган барча коммунистик ва ишчи партияларни, барча революцион кучларни умумий ишимиз учун курашда ўз куч ва ғайратларини бирлаштиришга чақирамиз. Бирликни мустаҳкамлаш учун эса, кенгаш ўтказиб, жаҳон коммунистик ҳаракати олдида турган ҳамма масалаларни муҳокама қилиш фойдалидир.

Биз шунга ишонамизки, деди Н. С. Хрушчев, барча чинакам марксчи-ленинчи партиялар, барча революцион кучлар бузғунчиларнинг хатти-ҳаракати натижасида рўй берган қийинчиликларни енгадилар, социализм ва коммунизм улуғ ишининг ғалабаси учун курашда ўз куч-ғайратларини бирлаштирадилар.

ДЎСТЛИГИМИЗ ҲАМИША МУСТАҲКАМЛАНА БЕРСИН

Ажойиб ва қувончли байрам — жонжон Ватанимиз халқлари дўстлиги ҳафталиги Тошкентда, бутун ўзбеклар диёрида етти кун давом этди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг азиз меҳмонлари — Советлар мамлакатидаги қардош республикаларнинг вакиллари билан тўлқинлантирувчи учрашувлари етти кун давомида бўлиб ўтди. Бу етти кун шонли Коммунистик партиямиз — Улуғ Ленин партияси тарбиялаб етиштирган совет халқларининг бузилмас қардошлигининг байрами сифатида ҳамиша хотирамизда қолади.

СССР халқлари дўстлигининг Тошкентда бўлиб ўтган ҳафталиги чинакам умумхалқ тантанасига айланди. Ана шу унутилмас кунларда шаҳар маданият ва истироҳат боғлари ҳар кеча шоду-хуррам кишилар билан лиқ тўла бўлди. Тошкент меҳнаткашлари меҳмонлар билан учрашганларида ўз ишлари ҳақида уларга гапириб бердилар, ўз қувончлари ва муваффақиятлари билан ўртоқлашдилар. Очиқ эстрадаларда ва ёзги театрларда мамлакатимиздаги барча халқларнинг тилларида шеърлар ва қўшиқлар баралла янгради. Ишчилар ва олимлар, ёзувчилар ва артистлар, ўқитувчилар ва врачлар — барча касбдаги ва барча ёшдаги кишилар ҳурматли меҳмонларга самимий салом ва қизғин муҳаббат сўзлари билан чин қалбларидан мурожаат қилдилар. Бу — қардош шаҳарларнинг бир ажойиб оилада барқ уриб яшнаётган иттифоқдош республикаларимиз пойтахтларининг учрашувлари эди.

Ҳафталикнинг тугаши улкан умумхалқ тантанаси билан нишонланди. Неча минглаб тошкентликлар 5 сентябрда В. И. Ленин номли майдонга тўпландилар. Москва, Ленинград, барча иттифоқдош республикалар пойтахтлари делегацияларининг аъзолари ҳам тошкентликлар билан бирга шу ерга келдилар. Улар Ильич ҳайкали супасига гуллар қўйдилар.

Ҳафталик байроғини туширишдан тантанали дақиқаси етиб келади. Қардош республикаларнинг вакиллари кумушранг флагшток ёнига келадилар, Ўзбекистон пойтахти узра етти кун давомида хилпираб турган қизил алвон секин-аста пастга туша бошлайди. СССР халқлари буюк ҳамкорлигининг рамзи сифатида бу алвон ватанимиз пойтахти — Москва делегациясига топширилади. Бу байроқни эстафета сифатида халқлар дўстлиги байрамлари вақтида бир республикадан иккинчи республикага топшириб туришга карор қилинди.

Шу куни Свердлов номли театрда Ҳафталикнинг тугашига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Корхоналар, қурилишлар, муассасалар ва ўқув юртлари коллективларининг, партия ва совет ташкилотларининг жуда кўп вакиллари залга тўпландилар.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Нажесткин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари С. О. Азимов, қардош республикалар делегацияларининг аъзолари, Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари ўтиришибдилар.

Тантанали кечага тўпланган кишилар содиқ ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиумини баланд руҳ ила фаҳрий президиумга сайлайдилар.

Минбарда Ленинград делегациясининг аъзоси, Балтика заводининг кема йиғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Смирнов.

Биз, деди у, сизларнинг қизғин табассумингизни, меҳмондўстлигингизни қалбларимизда олиб кетаётирмиз. Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунистик қурилиш соҳасида эришган ажойиб муваффақиятлар тўғрисида биз ленинградликларга гапириб берамиз.

Латвия делегациясининг раҳбари, Рига шаҳар Киров район ижроия комитетининг раиси Я. Я. Заринҳ халқлар дўстлиги ҳафталиги қардошларча вазиятда ўтганлигини алоҳида таъкидлайди. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, партия ва халқнинг бузилмас бирлиги — мамлакатимизда коммунизм ғалабасининг мустаҳкам пойдеворидир.

— Дўстинг билан ёнма-ён бўлиш нақадар яхши ва қувончли, — деди Грузия делегациясининг раҳбари, Тбилиси шаҳар Калинин район партия комитетининг секретари И. С. Турманидзе. — Биз совет халқларининг аҳил ва ошна дадил олға қараб бораётирмиз. Энг яхши дўстларимиздан бири — Ўзбекистон халқига қуч-ғайрат ва бардамлик, Ватанимиз шуҳрати йўлида меҳнатда янгидан-янги зафарлар тилаймиз.

Қозоғистон делегациясининг раҳбари, Олмаота шаҳар Октябрь район ижроия комитетининг раиси И. Б. Болтабоев сўзга чиқади.

— Коммунизм қурувчиси ахлоқ кодекси принципларидан бири — киши-кишига дўст, ўртоқ ва биродар деган принцип, — деди у, — ҳаётимизга чуқур сингиб кетганлигини Тошкентда бўлиб ўтган халқлар дўстлиги ҳафталиги кўрсатиб берди. Гуллар шаҳри, қувноқлик шаҳри, ўз меҳнати билан бахтиёр ажойиб кишилар шаҳри сифатида Тошкент ҳамиша бизнинг хотирамизда қолади.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев халқлар дўстлиги ҳафталиги қатнашчиларига, бу ерга тўпланган кишиларнинг ҳаммасига мурожаат қилади.

— Тошкентда СССР халқлари дўстлиги ҳафталиги, — деди у, — республикамиз учун ажойиб кунларда ўтказилди. Бу ҳафталик ўзбек халқининг улкан байрами — республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги арафасида бўлиб ўтди. Шуниси қувончлики, бу байрамни бизлар билан бирга руслар ва украинлар, белоруссларва қозоқлар, грузинлар ва озарбайжонлар, литваликлар ва молдаванлар, латишлар ва қирғизлар, тожиклар ва арманлар, туркманлар ва эстонлар — Совет Иттифоқининг барча халқлари нишонлайдилар.

Биз қуваш ва ғалабалар билан босиб ўтилган шонли йўлга назар ташлар эканмиз. Ўзбекистон эришган ҳар бир ғалаба ватанимиз барча халқларининг бузилмас бирлиги туфайли, оғамиз — улуғ рус халқи бошчилигида барча социалистик миллатларнинг қалин ҳамкорлиги туфайли қўлга киритилганини бу ерда залга тўпланган СССРдаги барча қардош республикаларнинг вакилларига маълум қилиш билан беҳад бахтиёрмиз.

Ҳафталик Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейига бағишланган зарбдор меҳнат вахтаси тобора қизғин тус олаётган бир пайтда ўтди. Ана шу вахта кунларида Ўзбекистоннинг меҳнат аҳли барча қардош халқлар билан қўлга-қўл беришиб хўжалик ва маданий қурилишда, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришаётганлигига иттифоқдош республикаларнинг вакиллари ишонч ҳосил қилдилар.

Ўртоқ Муртазоев пировардида бундай деди: қувончли ҳафталигимизни якунлаш учун биз сизлар билан бугун ана шу залга тўпландик. Бу ҳафталик тарихга унутилмас саҳифа бўлиб киради, халқларимизнинг буюк дўстлиги шонли йилномасида яна бир муҳим давр бўлади. Хурматли меҳмонлар биродарларимизга, барча иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашларига самимий салом топширишингизни илтимос қиламиз. Коммунистик қурилиш суръатларини жадаллаштириш ишига қўшаётган ўз ҳиссасини кўпайтириш учун ўзбек халқи ўзининг бутун кучини сарф қилади.

Азиз дўстлар, бизлар ҳайрлашмаймиз, дийдор кўришгунча ҳайр деймиз!

Залда тўпланган кишилар СССР халқларининг буюк ва бузилмас дўстлиги шарафига, халқимиз барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига айтилган сўзларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Кеча қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Никита Сергеевич Хрушчевга табрикнома йўлладилар.

* * *

Москва, Ленинград ва иттифоқдош республикалар пойтахтларининг делегациялари шарафига Ўзбекистон Компартияси. Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР ҳукумати қабул маросими ўтказди. (ЎзТАГ).

СССР халқлари дўстлиги ҳафталигининг қатнашчилари Юқори Чирчиқ бошқармасидаги машҳур «Политотдел» колхозида ҳам бўлишди. Улар колхоз шаҳарчасини зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Далаларга чиқишди. Пахта ва луб экинларидан мўл ҳосил етиштираётган деҳқонларнинг ажойиб меҳнатларидан мамнун бўлишди. Суратда: ҳафталик қатнашчилари «Политотдел» колхозининг пахтазорида.

А. Горокрик ва Р. Шамсуддинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Совет меҳмонлари шарафига қабул маросими

ҚОБУЛ, 4 сентябрь. (ТАСС). Афғонистон бош министри Муҳаммад Юсуф кеча кечқурун Чехельстун саройида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин бошчилигидаги совет ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Афғонистон ҳукуматининг министрлари, мамлакатнинг атоқли сиёсий ва жамоат арбоблари, Афғонистондаги элчилар, Ҳиндиқуш тоғлари орқали йўл қурган совет ва афғон мутахассислари ҳозир бўлдилар. Қабул вақтида СССРнинг Афғонистондаги элчиси С. Ф. Антонов ҳам ҳозир бўлди.

Қабул маросимида Муҳаммад Юсуф ва А. Н. Косигин нутқ сўзладилар.

ҚУЁШДЕК ПОРЛОҚ

Қардошлик тарихимиз,
Дўстлик ипакларидай
Помир чўққиси каби
Жуда чўзилиб кетган.
Меҳрли юрак билан
Айтилган илиқ сўздай,
Ҳурматдан саломимиз
Тонгларда сизга етган.

Ҳа, шундай. Халқларимиз дўстлиги оддийгина дўстлик бўлмай, қонқардошликка айланиб кетган. Азм Сирдарё бўйларидаги Ўрта Осиё халқларининг, қозоқларнинг, ўзбекларнинг, туркману қирғизларнинг бир-бирига бўлган садоқати улуғ рус ога меҳридай ҳамиша барқарордир.

Тошкентда бир ҳафта давом этган дўстлик ҳафталиги туфайли қадрдонлар дийдор кўришиб, юракдаги илиқ сўзларини, бир-бирларига бўлган самимий муҳаббатларини изҳор қилдилар. Бу дўстлик сўзлари Тошкентда айтилган бўлса ҳам Москва радиоси орқали жаҳонга жаранглади.

31 августда москвалик азиз биродарларни катта тантана билан кутиб олган Октябрь район меҳнаткашлари 4 сентябрда тожикистонлик меҳмонларни самимий қарши олдилар.

Душанба шаҳар Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Н. Наимов раҳбарлик қилаётган Тожикистон делегацияси аъзолари дарвозадан кириб келганларида дўстлар меҳмонларга дастурхон тутадилар.

Боғ сайлидан кейин Пушкин номли маданият ва истироҳат боғининг очиқ эстрада майдонига мингларча тошкентликлар тўпланадилар. Тожикистонлик меҳмонларимиз саҳнага чиққанларида гулдурос қарсаклар янграйди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. А. Архангельский қисқача кириш нутқи билан бу тантанали учрашув маросимини очар экан, мамлакатимиздаги халқларнинг ленинча дўстлигини таъриф-лаб берди. Октябрь район партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Дарвин меҳмонларни район меҳнаткашлари номидан табриклар экан, уларнинг Душанбадан барча қардош халқлар қатори дўстлик ҳафталигига келганликлари учун ташаккур билдирди.

Ўртоқ М. Н. Наимов Тожикистон меҳнаткашларининг илиқ дўстлик саломини Ўзбекистон меҳнаткашларига топширади. У халқларнинг ленинча дўстлиги ҳақида гапириб, Сирдарё бўйларига қурилган Қайроққум ГЭСи чироқлари каби равшан ва порлоқ биродарлигимизни мадҳ этади. Тожик ва ўзбек диллари каби ерлари туташ халқлардир. Бу ерда талантли академик шоиримиз Ғафур Ғулом айганидек бир-бирларига қуда-қудагай бўлиб кетганлар. Ўртоқ Наимов Тошкентга таклиф қилганликлари учун дўстларга ташаккур айтади.

Филология фанлари кандидати Сабоҳат Азимжонова, Октябрь район комсомол комитетининг биринчи секретари Р. А. Сабадаш ва бошқа ўртоқлар дўстларни табриклаб, уларга келажакдаги ишларига катта муваффақият тиладилар. Ўзбекистонда гастролда юрган Тожикистон ССР Маяковский номли рус драма театрининг бадиий раҳбари ўртоқ В. Ланге санъаткорлар номидан қизғин салом топширар экан, у жуда самимий юрак сўзларини айтди. Шу онда Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган артист Г. Воробьев Маяковский образига кирган ҳолда буюк шоирнинг Ленин ҳақидаги шеърини саҳнага чиқиб ўқийбошлади. Ундан кейин эса Тожикистон ССР халқ артисти Н. Н. Волчков Владимир Ильич Ленин образида саҳнага чиқади. Мингларча меҳнаткашлар Ленин образини яратган артистни қизғин қарсаклар билан олқишлайдилар.

Бу дўстлик учрашувида жуда кўп юрак сўзлари айтилди. Ўзбек, тожик халқлари буюк иноқ оилада жуда аҳил яшамоқдалар. Шунинг учун ҳам улар шонли Коммунистик партиямизга юракдан ташаккурлар айтадилар:

Юракнинг томиридан
Қон йўллари айланиб,
Ўзбек-тожик жонини
Туташтиргани яхши.
Мардона қадам босиб
Зафарларга шайланиб,
Дўстликда билинади
Меҳнаткаш инсон нақши.

Учрашув охирида Тожикистон санъат усталарининг ажойиб концерти бўлди. Тожикистон ССР халқ артисти Шоиста Муллажонова, Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган артист Иқбол Юсупова, ажойиб овоз эгаси ва композитор Абдумалик Раҳматуллаев каби санъаткорлар шу концертнинг ўзидаёқ ўнлаб қўшиқлар айтдилар, жозибали рақслар кўрсатдилар.

Тошкентнинг бошқа боғларида ҳам шу куни ажойиб дўстлик тантаналари, унутилмас учрашувлар давом этди. Максим Горький номли маданият ва истироҳат боғида Совет Эстонияси пойтахти — Таллин куни нишонланди. «Победа» маданият ва истироҳат боғида Ереван куни байрам қилинди. Киров номли маданият ва истироҳат боғида эса Туркманистон пойтахти — Ашхобод куни дўстлар учрашувида тантанали кунга айланди. Бу ерларда бўлган дўстлик учрашувларида ҳам халқларнинг мустаҳкам бирлиги, ҳамма ишда ҳамкорлиги, ҳамнафаслиги яна бир марта кўзга ташланди. Гўзал Тошкентимиз дўстларнинг жамоли билан яна нурланиб кетгандай бўлди.

Биз тинчлик замонида яшаймиз. Дийдор кўришишимиз, бир-биримизни қадр қилишимиз, меҳмондўстлигимиз тинчлик ва дўстликнинг буюк рамзидир. Шу дўстлик яшар экан, буюк мақсадларимизни амалга оширишда биз доимо кучлимиз, зафарлар кетидан зафарлар қучаверамиз.

Дўстлик инсонликнинг кўркию азми
Дўстликдан етади мурода инсон.
Дўстлик, биродарлик ҳаётнинг рамзи
Дўстликдан яшнайди жумлаи жаҳон.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШНИНГ АСОСИЙ ҚУРОЛИ

(В. И. ЛЕНИННИНГ «ПРОЛЕТАРИАТ ДИКТАТУРАСИ ТЎҒРИСИДА» АСАРИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА)

В. И. Ленин ўзининг «Пролетариат диктатураси тўғрисида» деган асарини Совет ҳокиматининг иккинчи йили охирларида ёзади. Бу вақтга келиб революцион курашда улкан тажриба тўпланган эди. Владимир Ильич ана шу тажрибани махсус брошюрада умумлаштирмоқчи бўлиб, бунинг учун батафсил план тузади. Лекин Ленин ўз ниятини амалга ошира олмайди. Бироқ планда белгиланган асосий фикрларини у кейинчалик бир қатор асарлари ва нутқларида ривожлантиради.

Пролетариат диктатураси тўғрисидаги масала ҳеч истисносиз барча капиталистик мамлакатлардаги ҳозирги замон ишчилар ҳаракатида туб масаладир деб ёзган эди Ленин.

Капитализмдан социализмга ўтишда пролетариат диктатурасининг зарурлиги тўғрисидаги масала Ленин асарининг марказий ғояснни ташкил қилади. Бу диктатурасиз эксплуататорлар қаршилигини бостириб бўлмайди, социализм қуриб бўлмайди. Марксизм-ленинизмнинг худди ана шу энг муҳим қоидасини барча оппортунистлар инкор этдилар ва инкор этмоқдалар. Ленин Каутскийни оппортунистларнинг энг хавфлиси деб ҳисобларди. Чунки у ҳозирги хитойлик догматикларга ўхшаб ўз оппортунистик қарашларини доим Марксга тирғилиш билан ниқобларди.

* * *

Мамлакатимизда социалистик революциянинг ғалаба қилиши барча синфлар аҳволини ўзгартирди. Шу боисдан пролетариатнинг синфий кураш формалари ҳам аввалгидек қола олмасди. Ленин марксистик диалектикани ижодий қўлланиб ва ривожлантириб, синфларнинг ўзаро муносабатларидаги хусусиятларини очиб берди ва пролетариатнинг янги вазифаларини белгилади. У бизнинг фикр юритаётган ушбу асарида ўтиш даврида меҳнаткашлар курашининг беш формаси тўғрисидаги машҳур қоидани олга сурди. Бу формалар: эксплуататорлар қаршилигини бостириш; гражданлар уруши; майда буржуазияни, айниқса деҳқонларни «бетарафлаш», буржуазиядан «фойдаланиш»; янги интизомни тарбиялаш кабилардан иборатдир.

Граждан урушини Ленин синфий кураш формаларидан бири деб қараган. Бироқ Ленин гражданлар уруши ҳар бир мамлакатда ҳаммаё ҳолларда ҳам зарур бир нарса деб ҳисобламаган. Эксплуататорлар меҳнаткашларни ана шундай урушга ҳеч қачон қиймаганлиги, ҳеч қачон ҳеч қачон ҳеч қачон

АҲДИГА ВАФОДОРЛАР

Тошкент-товар станцияси Ўрта Осиё темир йўлининг энг йирик узели. Станция коллективи республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун йил бошиданоқ қизғин мусобақа бошлаган эди. Самарали меҳнатнинг натижалари соз бўлди. Станция меҳнаткашлари ўтган ярим йил ичида темир йўл бошқармаси ва темирйўлчилар касаба союзининг кўчма Қизил байроғини қўлдан бермади. Ҳозир ҳам бу коллектив юк станциялари орасида энг илғор ҳисобланади.

Яқинда станция меҳнаткашлари ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Тошкент-товар станциясига «Энг яхши юк станцияси» деган фахрий унвон ҳамда пул мукофоти берилди.

Темирйўлчилар олдида яна ҳам муҳимроқ вазифа турибди: улар республикамиз тўйигача коммунистик меҳнат станцияси номини олишга аҳд қилганлар. Бу соҳада кўпгина ишлар амалга оширилди ҳам. Бешинчи ва саккизинчи стрелка постларига коммунистик меҳнат коллективи номи берилди. Бу ерда навбатчилик қилаётган Н. Дикарева, А. Якименко, А. Соколова ўртоқлар каби стрелкачилар фақат аъло даражада ишлаш, ўзларига биркитилган участкани техникавий жиҳатдан яхши ҳолда ва озода сақлашга эришмоқдалар. Улар эрта баҳорданоқ ўз иш жойларини ремонт қилдилар, будкалар атрофига гул ҳамда дарахт кўчатлари ўтқаздилар. Юксак иш маданияти меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келаяпти.

Станция коллективи етти ойлик юк ортиш планини 129 процент, юк тушириш топшириғини 115 процент қилиб бажарди. Вагонларнинг бир юк операциясида туриш вақти пландагига нисбатан бир соатга камайтирилди. Бу—жуда яхши кўрсаткич. Агар ҳар бир вагонга юк муддатидан бир соат илгари ортилса ёки ҳар бир вагон белгиланганидан бир соат тезроқ бўшатилса, миллион-миллион тонналаб халқ хўжалик юклари кўпроқ ташилади.

Станция темирйўлчилари вагоннинг статистик оғирлик нормасини ҳам 103 процент бажардилар, яъни юк анча зичлаб ортиладиган бўлди.

Биринчи юк ортиш пунктида меҳнат унумдорлиги 105 процентга етди. Автопогрузчик ҳайдовчиси А. Першин, стропалчи И. Алабин ўртоқлар юк ортиш ҳамда тушириш топшириқларини 170—180 процентга етказиб бажармоқдалар. Кран машинистлари К. Асломов ва А. Боровскийларга коммунистик меҳнат зарбдори унвони берилган.

Станция меҳнаткашлари бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун, деган принцип асосида яшайдилар. Ҳар бир илғор бригада ишдан кейин орқада қолаётган коллективга ёрдам беради. Станция илғорлари сафида техника конторасининг ходими А. Редченко, тарозибон Л. Гавриловаларнинг номи ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Улар аъло сифатли ишлаш билан бирга ёшларга ўз тажрибаларини иштиёқ билан ўргатадилар.

Темирйўлчиларнинг ишдан ташқари вақтни кўнгилли ўтказиши учун ҳамма шароитлар мавжуд. Бу ерда бадиий ҳаваскорлик, спорт тўгараклари мунтазам ишлайди. Методист М. Жаркова жамоатчилик асосида саломатлик группасига раҳбарлик қилади. Группа аъзолари станция темирйўлчиларининг соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида кўпгина ишлар қилдилар.

Яқинда бўлиб ўтган темирйўлчилар куни станция меҳнаткашлари учун кўп томонлама байрам бўлди: 110 киши пул мукофоти олди, 28 кишининг номи темир йўл ҳурмат тахтасига ёзилди, 22 темирйўлчи Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Улар орасида станция навбатчиси М. Миркаримов бошлиқ смена меҳнаткашлари, А. Илёсов, Р. Рўзиев каби башмакчилар бор. У. Раҳимов, А. Чеганов сингари башмакчилар бир сменада 50 тагача поездни ишламоқдалар. Ёш инженер ўртоқ М. Миркаримов транспорт институтини битирганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай ўз касбига меҳр қўйган мутахассис сменани илғорлар сафига олиб чиқди.

Тошкент-товар станцияси яқин-яқинларгача суткасига салкам 250 минг тонна юкни қайта ишлар эди. Ҳозир эса бу рақам 700 минг тоннага етди. Юк ортиш-тушириш ишларининг муваффақиятли бажарилишида станция маневр диспетчери И. Помельцевнинг хизмати катта. Чунки барча ишларга диспетчер раҳбарлик қилади. Станцияда янги техника билан ишлашни ўзлаштириб олган мутахассислар жуда кўп. Яқиндагина янги контейнер майдончаси ишга тушди. Бу эса темирйўлчиларнинг меҳнат ғалабасига ғалаба қўшиш учун яхши шароит яратилди деган сўздир. Станция меҳнаткашлари эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, уларни янада мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

А. КОМИССАРОВ.



Куз келди. Пахта далаларининг чекка-чеккаларида лўппи-лўппи «оқ олтин» табассум қила бошлади. Пахтакорлар учун энг масъулиятли, энг қизғин дамлар бошланди. Эрта-индин терим янада қизиб кетади.

Худди ана шу даврни «Ташсельмаш» заводининг кўп минг кишилик меҳнаткашлари ҳам йил бошидан бери орзиқиб кутган, қизғин тайёрланган эдилар. Пахтакорларнинг оғирини енгил қилувчи «ХТ-1,2» маркали терим агрегатлари шу ерда ишлаб чиқарилади. Машинасозлар бу йил 7400 та терим агрегати ишлаб чиқаришга ваъда берган эдилар. Бир неча минг машина пахтакорларга жўнатилди. Тез нунда улар «оқ олтин» денгизда жавлон урабошлайди. Лекин йигув цехининг конвейери ҳали ҳам тўхтагани йўқ, мунтазам ишлаб турибди. Терим машиналари кетма-кет завод ҳовлисига чиқаяпти. Суратда: «Ташсельмаш» заводининг йигув цехидан чиқаётган «ХТ-1,2» маркали терим агрегатлари.

Б. Мазур фотоси. (УзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ ХИЛ ЎГИТ ФАБРИКАСИ

160-қурилиш трести бинокорлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Куни кеча Чирчиқ электрохимия комбинатида улар қўли билан аммиак селитрасини доналаб берувчи грануляция минораси фойдаланишга топширилди. Дастлабки маҳсулотни Жамол Бадалов бошлиқ коммунистик меҳнат сменаси аъзолари олишга муваффақ бўлишди. Ўгитнинг сифати соз. Янги маҳсулот пахта далалари томон йўл олди.

В. ВОЛОДИН.

ЎЗ КАСБИНИНГ ШАЙДОСИ

— Ваҳоб ака устозига тортди, — дейишади ҳамкасблари кўпинча. Рост айтишади! Ваҳоб аканинг устози М. Нурмухамедов Тошкент тепловоз депосининг энг кекса, тажрибали машинистларидан бири эди. Шогирд устозининг ишончини оқлади. Ваҳоб ҳам ўз устозидай одғидан ўт чақнаган машинист бўлиб етишди. Ҳозир у Қизил тўқимачи станцияси маневр тепловозида машинист бўлиб ишлайди.

Сиртдан қараганда маневровкачилик зерикарли, хатто осонгина ишдай кўринади. Рост, бир изда турган вагонни иккинчи издаги составга олиб бориб улаш, ёки юкли вагонни юк тушириш майдончасига олиб келиш жуда ҳам қийин эмас. Лекин бунинг учун билим керак, тажриба керак. Агар юк вагони ўз вақтида майдончага келтирилмаса, ёки вагон ўз вақтида уланмаса давлатга ҳам, темир йўлга ҳам зиён.

Ваҳоб Абдувоҳидов ишга тушиш олдидан тепловознинг ҳолатини яхшилаб ўрганиб олади.

Бир вақтлар Ваҳобнинг ўзи шогирд эди. Ҳозир бўлса, ёрдамчи машинист К. Азимжонов ундан тажриба ўрганаяпти. Яқинда Ваҳоб Абдувоҳидовнинг сменасида қувончли воқеа рўй берди. Уларга коммунистик меҳнат коллективи номи берилди.

Қизил Тўқимачи станциясининг темир йўлчилари етти ойлик планни ҳамма кўрсаткичлар бўйича ортиги билан бажардилар. Шу жумладан юк ортиш плани 157,3 процент, тонна ҳисобида эса 199 процент қилиб бажарилди. Бу ютуқларнинг барчасида ўз касбининг ошиғи машинист Ваҳоб Абдувоҳидовнинг ҳам ҳиссаси бор.

А. УСМОНОВ,
машинист.

ТУГАНМАС ХАЗИНА

Ҳар куни ишга келиб, ажойиб манзарани кўраман. Гигант ковшли экскаваторлар тиним билмай ишлаётган бўлади. Ағдарма машиналар ва вагонлар карвоничинг охири кўринмайди. Бир томонда рудалар қазиб чиқарилмоқда, иккинчи томонда эса корхоналарга жўнатилмоқда.

Сахий Қалмоққир ёнбағирлари дурдоналарга бой экан. Меҳнат қилган саринг ер ўз бойлигини сарак-сарак қилиб сенга кўрсатаяпти. «Шарқ» чўққи азолдан бери шу ерда. Чўққи даврлар бўйи ўз сирларини яшириб ётган эди. Мана, энди у ҳам секин-аста инсон изига бўйин эгмоқда. Ўтган йили ташкил этилган карьеримиз атрофида мис запаси борлиги аниқланди. Қоя остидан бир миллион тонна тоғ жинслари қазиб олинса мис «сандиғи» очилади.

Ғайрат камарини маҳкам боғлаб ишга киришдик. Аввало техникани ғамладик. Чунки кон ишларида техникасиз узоққа бориш амри-маҳол. Ковши 3—4 кубометрли экскаваторлар 8 кубометрли экскаваторлар билан алмаштирилди. Замонавий қудратли пармалаш машиналари ишга туширилди. Юқори қатламдаги тоғ-шағаллариии ташиш учун 25 тоннали азамат автомашиналар келтирилди. Яқин ойлар ичида темирйўл магистрали ҳам бу томонларга етиб келади.

«Шарқ» карьери ташкил этилган кезларда коллективимиз атиги 30—40 кишидан иборат эди. Мана, энди 150 ишчи, инженер-техник ходим бир жон-бир тан бўлиб, коммунизм моддий-техника базасини яратишга ўз ҳиссасини қўшаяпти. Коллективимиз ёш бўлса ҳам ғайратда, жасоратда бошқалардан қолишмайди. Зиммаларига мис конидек бойликни очиш вазифаси юклатилган эканми, барча шу ишончга яраша меҳнат қилаяпти. Машиналар овози тунғ-кун тинмайди. Кишилар ҳеч толиқмай ишлашяпти. Биридан-бири ўтаман дейди азаматларнинг.

Узоққа бормай, фақат июль ойи ичида бажарилган ишлар устида бироз тўхталмоқчиман. Карьеримиз бўйича ишлаб чиқариш плани ўтган ойда 120 процент адо этилди. БСВ-1, БС-1 пармалаш станоклари машиналари жасорати барчани қойил қолдирди. Меҳнатсеварлар июль ойида карьер бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

В. Минченко бошлиқ экскаватор бригадаси аъзолари эришган муваффақиятлар ҳам қувончли бўлди. В. Минченко ишни намунали ташкил этиш билан бирга конда партия ташкилотининг секретари сифатида ҳам катта тарбиявий ишлар олиб бораяпти. Бригада аъзолари ишлаб чиқариш чормаларини оширмай бажармаган ойлари йўқ.

Карьеримиз ёшлари меҳнатини кўриб беихтиёр қувонасан, киши. Улар ишда ҳам, ўқишда ҳам барчага ўрнак. Александр Шабанов яқин-яқинларгача пармалаш станогида машинист бўлиб ишлар эди. Кунги чакки эмас, ғайрати зўр эди унинг. Иш билан бирга ўқишни ҳам олиб бораверди. Мана бу йил Тошкент политехника институтини битирди. Ҳозир смена бошлиғи бўлиб ишламоқда. Унинг сменаси ман-ман деган коллективлар билан беллашиб доимо ғолиб чиқмоқда. Б. Будянка ҳам мастерликни уддаляпти. Ёш бўлса ҳам кўпчиликка бошчилик қилаяпти.

Карьер коллективи республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқда. Барча сменалар аъзолари оширилган мажбуриятлар олишиб меҳнат қиляпти. Бу хайрли ишдан бизнинг сменамиз ҳам четда қолаётгани йўқ. Апрель ойидан бери социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келяпмиз. Мақсадимиз юбилей кунигача коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олишдир. Сменамиз аъзолари шу кунларда бир ёқадан бош чиқариб ғайрат қилишяпти.

Сменамизда кишилар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Ишдан бўш вақтларимизни газета ва журналлар ўқиш, маданий ҳордиқ чиқариш билан ўтказамиз, Турли темаларда мунозаралар ўтказамиз. Яқинда севги, оилалик, коммунизм кишиси қандай бўлиши керак деган темаларда фикрлашиб ҳам олдик. Мана бу тадбирлар ишимизга унум бағишлаяпти. Хазинатопарларни янги-янги марралар сари етакламоқда.

Б. ХОШИМОВ,
Қалмоққир кочи смена мастери.

МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

Москвадаги 15 корхона мурожаатига жавобан Тошкент «Ремточмех» комбинати, Олмалиқ шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати, Урта Чирчиқ район маиший хизмат кўрсатиш комбинати коллективлари ўз зиммаларига аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, хизмат кўрсатишнинг ҳар бир тури бўйича зиён кўрмай ишлаш, корхоналарни рентабелли хўжаликка айлантиришга қаратилган янги социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва Тошкент область Совети ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бошқармалари ҳамда коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишчилари касаба союз комитети область Президиуми бу ватанпарварлик ҳаракатни маъқулладилар. Шунингдек республика касаба союзлари комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Бош бошқармаси томонидан ҳам бу ҳаракат қўллаб-қувватланди. Шунчалик эътиборнинг албатта боиси бор. Чунки сўнгги йилларда жонажон партиямиз аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида катта-катта тадбирларни амалга оширмоқда.

«Ремточмех» комбинати коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб ремонт ишларини марказлаштириш ва тўплаш соҳасида диққатга сазовор тадбирларни амалга оширди ва етти ойлик план топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича шараф билан адо этди. Утган давр ичида планга қўшимча равишда 8,7 минг сўмлик аҳоли хизмати бажарилди. Ремонт ишлари таннархини арзонлаштириш ҳисобига 20,9 минг сўмлик маблаг тежаб қолинди.

Корхона умуман рентабелли бўлса ҳам лекин хизмат кўрсатишнинг айрим турлари бўйича знён келтираяпти. Айниқса бу оптика, электр устара ва авторучкалар ремонтида яққол кўринибтурибди.

Коллектив 1964 йил охиригача ремонт ишларини марказлаштириш ва тўплаш бориш ҳисобига авторучка, электр устара, оптика каби буюмлар ремонтини ҳам рентабелли қилишга сўз берди.

Ремонтчилар поток цехида соат ремонти технологиясини такомиллаштирабориб икки поток линияни ишга тушириш, эскирган иш нормаларини кўриб чиқиш, запас қисмлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ремонт ишлари сифатини яхшилаш ва иқтисодий кўрсаткичларни ошириш бўйича ҳам курашишга қарор қилишди.

Олмалиқ шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати коллективи ҳам етти ой ичида улкан ғалабаларни қўлга киритди. 1964 йилнинг биринчи ярмида ҳар бир киши ҳисобига маиший хизмат кўрсатиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 24 процент ўсди. Планга қўшимча равишда 9 минг сўмлик фойда кўрилди. Корхона рентабелли бўлишига қарамай химчистка цехи, мебель ремонти цехи зарар кўрсатиб ишлаяпти.

Комбинат коллективи шу йил 1 октябргача химчистка цехини ҳам рентабелли ишлашга ўтказиш ва 1965 йилнинг биринчи ярмида эса мебель ремонти цехини ҳам фойда келтириб ишлашга ўтказишни қарор қилди. Бундан ташқари коллектив йил охиригача илгари белгиланганидек, 2 минг сўм эмас, 14 минг сўмлик қўшимча фойда келтириш мажбуриятини олди. Комбинатда 1965 йилда пойафзал ремонти тўла механизациялаштирилади. Кийимлар тикиш цехи эса махсус машиналар ҳамда кичик дазмоллаш агрегатлари билан тўла таъминланади. Комбинат меҳнатсеварлари аҳолидан бирорта ҳам эътироз эшитмаслик учун ўз нуч ва ғайратларини сарф қилишга отландилар.

Урта Чирчиқ район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари 1965 йил охиригача иш ҳажмини кўпайтириш, бир сўмлик товар маҳсулоти таннархини бир тийинга арзонлаштириш ҳисобига янка тартибда кийим тикиш цехини тўла-тўкис фойда келтириб ишлашга ўтказиш ҳамда комбинат учун 5,4 минг сўмлик фойда келтиришга қарор қилдилар. Комбинат ҳозир ҳам рентабелли бўлсада, лекин бу мажбуриятлар бажарилгач унинг қуввати яна ҳам ошади.

Зиммаларига янги оширилган мажбурият олган «Ремточмех» комбинати, Олмадиқ ва Урта Чирчиқ маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари коллективлари Тошкент шаҳар ва область маиший хизмат кўрсатиш корхоналари коллективларини Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани яна ҳам қизитиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни аъло даражага кўтариш, хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича рентабелли ишлашга чақирдилар.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ВИСТАВКАСИ

Яқинда «Чирчиксельмаш» заводининг клубида ажойиб виставка очилди. Бу ердаги экспонатлар маҳсулот сифатини яхшилаш йўллари ҳақида ҳикоя қилади.

Стендлардан бири деталларни тайёрлаш технологиясини яхшилашга бағишланган. Масалан, авваллари шчитлардан бирини тайёрлаш учун бешта операцияни бажариш керак бўларди. Энди эса бу деталь штамповка усулида ишлаб чиқариладиган бўлди.

Виставканинг «Аъло сифатли деталлар» деган стендида токарлардан А. Лукянов, А. Иброҳимов, фрейзерчилардан К. Бектемирова, Р. Семирюкова ва бошқаларнинг қўлидан чиққан деталлар қўйилган. Завод ихтирочи ва рационализаторларнинг ижодига ҳам махсус стенд бағишланган.

Завод ишчилари сифатли маҳсулотлар виставкасини зўр қизиқиш билан томоша қилишяпти.

М. ПРОКОПЕНКО.

НОЯБРЬ ОЙИ ҲИСОВИГА

Олтинтопган руда бошқармасига қарашли марказий карьер коллективи етти ой ичида ўн ойлик топшириқни 101 процент қилиб уддалади. Бу билан карьер меҳнат аҳли республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллиги шарафига олган мажбуриятини тўла-тўкис адо этди. Улар ҳозир ноябрь ойи ҳисобига ишлашмоқда.

Бошқармадаги кўпгина участкалар графиндан анча илгарилаб кетдилар. 2-участка коллективи нонни тайёрлаш бўйича белгиланган ишлар топшириғини июлда икки баравар адо этди. 3-участкада ойлик топшириқ 111,8 процент бажарилди.

Бу юксак кўрсаткичларни қўлга киритишда П. Курков, В. Белан ўртоқлар раҳбарлигидаги бригадаларнинг экскаваторчилари пармаловчилардан П. Стовбун, А. Бондаш, проходчи А. Халиулинларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди.

А. Абдуқаҳҳоров Тошкент ГРЭСи контроль приборлари ремонти цехининг илғор слесари. Юрагида ўти бор бу ёш йигит ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институти энергетика факультетининг кечки бўлимида ўз билмини ҳам оширмоқда. Билим ва ғайрат унга ҳурмат ва обрў келтирмоқда. Суратда: ўртоқ А. Абдуқаҳҳоров иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

ХЎЖАСИЗ ДИРЕКТОР, „УДДАБУРРО“ ОМБОРЧИ

Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, дейишади. Бу мақол худди Чирчиқ гўшт холодильниги директори тўғрисида тўқиб чиқарилгандек. Унинг қилган ишларидан бир шингил эшитсангиз, бунга ишончингиз комил бўлади-колади.

...Омборчи Ткаченко директорнинг хонасига бошини қуйи солиб кирди.

— Катта гуноҳ қилиб қўйдик, хўжайин.

— Яна қандай ғалвани бошлаяпсан ўзинг, — савол аломати билан унга тикилди Акопов.

— Парранда гўштидан бирозгинасини айнитиб қўйдим.

— Қанча?

— Бор-йўғи 52 килограмм.

Директор қошларини чимирди. Ткаченкони қаттиқ қойимоқчи бўлди. Бироқ, гапи оғзида қолди. Нима ҳам деяоларди, айтса тили куяди, айтмаса дили. Чунки, бу ишда директор ўзидан бошқа ҳечкимни қойий олмасди. Ткаченконинг кимлигини билатуриб ўзи ишга қабул қилган-да. Боши қотди.

— Менда бир антиқа фикр туғилди қолди, хўжайин.

— Қани?

— Жамбул гўшт комбинати раҳбарларига шикоятнома ёзсак, юборган гўштларинг истеъмолга яроқсиз чиқди деб.

— Офарин! Уддабурролигингга қойил қоламан-да сенинг. Кечикма, шикоятнома лойиҳасини дарҳол тайёрла.

— Мана, тайёр, хўжайин.

Директор жимжимадор қилиб имзо чекди.

Шу захотиёқ шикоят хати конвертга жойланиб, Жамбулга жўнатилди. Энди гапнинг буёғини эшитинг. Шуниси қизиқки, шикоят шу йилнинг 22 март куни ёзилган. 1963 йилнинг 31 октябрида собиқ товаровед Шнайдер, омборчи Ткаченко томонидан тузилиб, директор Акопов ушу ва тасдиқлаган. Актда 52 килограмм, яъни 130 сўмлик парранда гўшти сотишга яроқсизлиги қайд қилиб ўтилган. Ваҳоланки, лаборатория шу гўштнинг сифати бузилганлиги ва истеъмолга ярамаслиги ҳақида 1964 йилнинг 3 мартида маълумот берган.

«Уамясоритторг»га қарашли Чирчиқ гўшт холодильникида мавжуд молни ҳисоб-китоб қилиш соҳасида ана шундай талайгина камчиликлар содир бўлган. Корхонада пропуск системаси йўқлиги сабабли товар маҳсулотларнинг бир қисми талон-торож қилиб юборилган.

Саноат область партия-давлат контроли комитети томонидан тузилган комиссия аъзолари холодильник хўжалиги фаолиятини синчиклаб текширдилар. Ҳисоб-китоб шу даражадаки, холодильникда сақланаётган гўшт миқдори, категорияси ва сифатида тўғри келмайди. Текшириш пайтида I категорияли мол гўшти 160,5 килограмм, яъни 273 сўмлик кам чиқди. Унинг ўрнини 160,5 килограмм II категорияли мол гўшти билан тўлдириб қўйишган. Бу билан 111,7 сўмлик зарар келтиришган. Корхонада гўштнинг табиий камайиши ҳақида янги норма олинганлигига қарамай эски нормалар амалда бўлган.

Холодильник раҳбарларининг хўжасизлиги давлатга қимматга тушди. Фақатгина ўтган йили мобайнида юк ортиб келган вагонлар ўз вақтида бўшатилмай бекор туриб қолганлиги учун темир йўл транспорти ташкилотларига 2143 сўм жарима тўланди. Бунинг учун ҳеч ким жазо олмади.

Моддий жавобгарлик лавозимларига ишончсиз шахслар қўйилган. Масалан, олгир Ткаченко «Ташоблкниготорг»дан паттасини кўлига олиб «қуён» бўлган эди. У меҳнат дафтарчасини қалбакилаштириб, Акоповнинг бўшанглиги туфайли гўшт холодильнигида старший омборчи бўлиб олди.

Саноат область партия-давлат контроли комитетининг мажлисида холодильник директори ўртоқ И. Акопов ана шу камчиликлар ва бунда ўзининг айби катта эканлигини тан олди. У тез орада йўл қўйилган жиддий нуқсонларни тугатишга қатъий сўз берди. Комитет буни инобатга олиб, унга бир ойлик маоши миқдорида жарима солди. Бошқа айбдор шахслар ҳам қилмишларига лойиқ жазо олдилар. «Ўзмясоритторг»нинг области конторасининг раҳбарлари зиммасига Чирчиқ гўшт холодильнигини чуқур ревизиядан ўтказиш вазифаси юкланди.

Т. МИРҲОДИЕВ.

САМАРАЛИ МЕҲНАТ МЕВАСИ

Деҳқонлар «Меҳнат ерда қолмайди» деган гапни такрорлашни яхши кўришади. Бу гап бизга — кончиларга ҳам таалуқлидир. Ҳақиқатан ҳам тер тўкиб, жон куйдириб меҳнат қилган киши ўз маҳсулотини кўрганда беихтиёр жилмайиб қўяди.

Шахтамиз кончилари йил бошиданоқ меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини янада арзонлаштириш учун курашни қизитиб юборган эдилар. Мана, орадан бир неча ой ўтди. Кончиларнинг самарали меҳнати ўз натижасини берди: саккиз ой мобайнида планга қўшимча равишда 25 минг тониадан кўпроқ кўмир қазиб чиқарилди. Шахта бўйича меҳнат унумдорлиги 106,2 процент юксалди. Ҳар тонна кўмирнинг таннархи 0,15 тийинга камайтирилди ва шу ҳисобдан давлатнинг 91 минг сўм маблаги тежаб қолинди.

Шахтанинг бошқа кончилари қатори бригадамиз меҳнаткашлари ҳам ўз байрамлари — шахтёрлар кунини муносиб меҳнат тухфалари билан кутиб олиш учун ғайрат кўрсатиб ишладилар. Саккиз ойлик план етти ярим ойдаёқ бажариб қўйилди.

Бригадамиз аъзолари коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига яшаш учун кўп йиллардан буён курашиб келган эдилар. Меҳнатда, ҳаётда, юриш-туришда намунали ишлар қилганлиги туфайли бундан 3 йил илгари бригадамизга коммунистик меҳнат коллективи номи берилди.

Коллективимиз аъзолари ана шу шарафли номни оқлаш учун янада унумлироқ, янада сифатлироқ ишлай бошладилар. Ўтган йили шахтамиз рентабелли узелга айланди. Москва саноат корхоналарида бошланган ташаббус кончилар ўртасида ҳам кенг қанот ёйди. Шахтёрлар унумли ишлаш учун курашни қизитиб юбордилар. А. Баскаков, С. Носиров, А. Қосимов, Т. Ҳасанов, Ш. Мирзаев каби кончилар кундалик топшириқларни ортиги билан бажармоқдалар. Бригадамиз аъзолари шахтёрлар кунигача бир минг тониадан ортиқ «қора олтин» қазиб чиқаришга қарор қилган эдилар. Одамнинг мақсади аниқ бўлса иши ҳам юришаверади. Бригадамиз кончилари бу вазифани ҳам бажардилар. Улар ҳамон узоқни кўзлаб, ғайрат билан ишламоқдалар.

Г. НИЗОМИТДИНОВ,
Оҳангарондаги 9-шахта коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

Саноат САҲИФАСИ

КОММУНИСТИК МАРОСИМЛАР

ҚИШЛОҚДА ЯНГИЧА ТЎЙ

Суратларда: (чапдан ўнгга): 1. Куёв — Олим Тўлаганов, келин — Озода Маматова. 2. Ҳар шкала бахтиёр ёшнинг тўйига йиғилган ёру-биродарлар. 3. Колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов келин-куёвни табриклаяпти.

Қ. Розиқов фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тўлаган акалар хонадонида шоди-хуррамлик. Олимжоннинг қувончи ичига сиғмайди. Тўйни муборакбод қилиб, ясатуғлик ҳовлига кириб келаётган ёру-биродарларига, қишлоқ кексаларига, қариндош-уруғларяга қўлини кўксига қўйиб: «раҳмат!» дейди у. Йигитлар даста-даста гул кўтариб келишади. Қизларнинг бўйи бастига ярашган шоҳи-атласлар чироғлар шуласида тобланади. Гўё қишлоқ аҳли Олимжонларникига оқиб келаяпти.

— Юлдузи-юлдузига тўғри келган экан, қўша қаришсин! — дейди кекса бир аёл ёнидаги жувонга.

Ҳа, юлдузи-юлдузига тўғри келибди. «Ленинизм» колхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи, келин — Озода Маматова билан колхоз экономист ёрдамчиси куёв — Олимжон Тўлагановларнинг никоҳ тўйида ҳар икки ёш қалбининг бўйи-бастига мос келганига шоҳид бўлдик.

Тўй — шодликнинг рамзи, дейишади. Бунн шу янгича тўй тантанасига ташриф буюрганларнинг ўйин-кулгисида ҳам, табрик сўзларида ҳам билдик.

— Турмушимиз гўзал, ҳаётимиз фаровон, — деди колхоз партия ташкилотининг секретари Юсуф Толипов тўй тантанасини очар экан, — икки ёш қалбининг мана шу тўй шодиёнаси шу сўзимизга яққол далил бўлиб турибди. Яхши ният билан шу тўй дастурхони атрофида ўтирган азиз меҳмонлар қишлоғимизга борган сари янгилик кириб келаётганлигининг гувоҳи бўлишаяпти. Биз колхозимизнинг шу икки севишган комсомоли тўйидан бошлаб, тўйлардаги эски урф-одатларга барҳам берайлик. Олимжон билан Озодахонларнинг тўйи қишлоғимиздаги янгича тўйларнинг дебочаси бўлаяпти.

— Қўша қарисин, ували-жували бўлишсин!

Бу сўзни куёв билан келинни табриклаб, юрак сўзларини айтган меҳмонларнинг ҳар бири такрор-такрор айтди. Қўшни Свердлов номли колхозидан меҳмон бўлиб келган колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Убайдулла Мусаев ҳам, Жданов номли колхозидан келган Турсунбой Раҳмонов ҳам, Ниёзов номли колхозидан келган Фозил Мадалиев ҳам икки ёш қалбга бахт тилашди. Озодахон билан Олимжоннинг тўйларидан мамнун бўлганликларини, ўз колхозларида ҳам бундан буён шундай янгича комсомол тўйлари ташкил этишларини ҳаяжонланиб гапиришди.

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов колхоз отахонлари номидан Олимжон билан Озодахонни самимий табриклади.

Ҳа, Озода билан Олимжонларнинг никоҳ тўйи ўсиб келаётган ёш авлоднинг коммунистик руҳда тарбияланаётганлигининг ёрқин намунаси бўлди. Бу тўй фаровон ҳаётимизда, қишлоқда маданиятнинг гуркираб ўсаётганлигидан далолат беради.

З. ОРИПОВ,
Янгийўл бошқармаси.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ДИЛХУШ ЭТДИЛАР

Тун таралди аста ва аста,
Еллар ўйнаб қилар намойиш,
Ой юзидан кўтарди парда,
Хислар мени этдилар дилхуш.
Гуллар тараб ёқимли бода,
Сайр этмакка туғилди хоҳиш.
Бечиз булбул бўлмас овора,
Хислар мени этдилар дилхуш.
Чулдир-чулдир оқарнан анҳор,
Овозида майин навозиш.
Шивирлашар барглар беқарор
Хислар мени этдилар дилхуш.
Онасининг иссиқ бағрида
Жажжи гўдак ухларди пиш-пиш.
Чеҳраларда ташвиш йўқ зарра,
Хислар мени этдилар дилхуш.
Ҳусни гулгун она диёрда
Бахт ҳайқирар, сира йўқ нолиш,
Яна минг-минг орзу ҳаёлда,
Хислар мени этдилар дилхуш.

Муҳаббат ТУРОБОВА.

ТОНГ КУЛАДИ

Субҳидам, узумзор ичра кезардим,
Чарослар ҳуснига мафтун кезардим.
Ҳусайни ҳуснида қуёш зарраси,
Нақшин олуларда асал мазаси.
Кўмкўк майсаларга тақилган сирга,
Қуёшдан нур эмиб инжуланади.
Тошқин сув юзида қуёш кулади,
Тонг кулиб таралар адрга, боққа.
Термулиб тонг билан тўлишгач боққа
Қалбим йўл оларди сен юрган ёққа.
Булбул нағмасида акс этади тонг,
Гуллар яноғида жилва қилар тонг.
Хофизлар созида шу тонг-дилрабо,
Шу тонгда елар шўх, муаттар сабо.
Элимда кумуш тонг хандон кулади,
Қалбимга, сатримга оқиб киради.
Субҳидам куйини тинглаган дамда,
Меҳнат мавж уради зумрад даламда.
Тонг каби қошимда кулиб турсангчи,
Зумрад далаларда жавлон урсангчи!!

Эътибор ОХУНОВА.

ТЎРТЛИКЛАР

Нафас бу тириклик нишонасидир;
Юраклар уриши нафас туфайли,
Нафас қайтмасин деймиз шу сабаб,
Умримиз нафасга қайтса гар майли.

●

Қалбимни сўрадинг, бердим не чора,
Бунча кўз олдимда уни ўйнайсан?
Эрмакка қалбини отганлар каби
Шусиз ҳам яшар, у, дея ўйлайсан.

●

Бир оқшом сайрида сезмай қолибман,
Жой олиб қўйгани севги жонимдан.
Севги нима десам, севгилим экан,
Қалбимга кирибди туриб ёнимдан...

●

Дўстликни севаман мен қалбдан беҳад
Уни жондан афзал севмаслик хато.
Дўст учун ютилган заҳар ҳам билсанг
Асалдан минг қатла тотлидир ҳатто.

●

Тўғри йўл тўғридир юрган адашмас,
Эгри йўл эгасин оздирар йўлдан.
Тўғридан бормаган эсанкирайди,
Бемаҳал бошига тушган сўйилдан.

●

Аввали тупроқ бор, бордир ҳаётда.
Кўз кўриб қўл тутган мавжуд ҳар нарса.
Бир сиқим кўримсиз тупроқ олдида —
Сержилва, жарангдор тилла-хор нарса.

Толиб ИЎЛДОШ.

ВИСОЛ ГУЛШАНИ (ҚУШИҚ)

Қўлда пиёлам чинни,
Қўшиқ — сўзимнинг чини.
Қўшиққа қўшиб айтдим
Қалбимнинг соғинчини.
Тоғ бошида қорминин,
Излаб келган ёрмикин.

Қарчиғай нўз ёргинам
Ишқига иқрорминин?
Шошаман ёр ёнига, —
Бу висол гулшанига.
Дилдан қўшиқ айтаман
Дилдоримнинг шаънига.

Ишда толмас билагим,
Ишқда толмас юрагим.
Ёр кўксига бош қўймоқ
Менинг орзу-тилагим.

Анвар ИСРОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Эрталабки гимнастика машғулоти**, 12.20 — **Ўғри** (Покистон ёзувчиси Аҳмад Надим Қосим ҳикояси асосида, телеинсценировка), 12.45 — **Ёш шоирларнинг янги шеърлари** («Ёшлик» студияси кўрсатади).

Рус тилида: 13.05 — **Юқори синф ўқувчилари учун**, 13.45 — **30-старт** (ҳужжатли фильм), 14.05 — **Этик кийган мушук** (болалар учун опера-эртак), 18.00 — **Бизнинг Марин** (болалар учун), 19.00 — **Эр, хотин ва йўл** (ҳужжатли фильм), 19.10 — **Новости дня** (киножурнал), 19.20 — **Сукунат** номли бадиий фильмнинг 2-серияси.

21.05 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.15 — **Телевизион янгиликлар**, 21.30 — **Олтин куз**, 21.50 — **Янги қўшиқлар.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IX да кундуз **Масхарабозлар ва концерт бўлими**, кечқурун **Ҳамза**, 8/IX да **Трубадур.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IX да янги спектакль **Хатарли йўл.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IX да **Ишқнинг билан**, 7/IX да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
ТЕЗ КУНДА
1964/65 йил
ҚИШКИ МАВСУМИ
ОЧИЛАДИ

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИ
Узбекистон ССР ташкилотлари, корхоналари, колхоз ва совхозларига
ҳар кубометри 5 сўмдан
ёғоч чиқиндилари
(тара-барабанлар)
СОТАДИ
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри 32. «Ташкенткабель» заводи, телефон 6-12-73, 6-12-74, таъминот бўлими.

1964 йил 17 сентябрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети механика-математика факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, 163-аудитория)

Я. У. Соатов: «Эластик мембранага кўндаланг уриш» деган темада

диссертация ёқлайди

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши
Химия саноати
Бош бошқармасининг
ДАВЛАТ КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА
5, 6 разрядли **йигувчи слесарлар, инструментчи слесарлар**, 5 разрядли **токарь-универсал, шлифовкачи, фрезерчилар**, металларни қиздирмасдан ишлашга доир **инженер-технолог**

керак

Тошкент шаҳри, Богдан Хмельницкий кўчаси, 77-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 5-00-62.

ШРЕДЕР НОМЛИ ИНСТИТУТГА
мевали дарахт кўчатлари етиштирувчи совхозлар бошқармаси учун **бош бухгалтер**, қишлоқ хўжалигидан ишлаб чиқариш стажи бўлган **ревизор, старший бухгалтерлар ва қурувчи прораб**

керак

Уй-жой билан таъмин қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Калинин район, Киров қишлоқ совети (61, 62-автобуслар боради).

«ЮЖКАЗПРОМКАМИШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА
доимий ва вақтинча ишлаш учун: **тракторчилар, кранчилар, комбайнчилар, ёрдамчи ишчилар**

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай-прогрессив асосда тўланади. Елгиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Қизил Ўрда шаҳри. «Южказпромкамиш» бирлашмаси (автобуснинг «Промбаза» остановкаси).

ЎЗБЕКЛАР ВА ТОЖИКЛАР ВИСТАВКАСИ БУЙЛАБ

Ленинградда, хушманзара «Санъат» майдони яқинида эски услубда солинган катта бир бино бор. СССР халқлари этнографияси музейи ана шу ерга жойлашган. Яқинда музейда «Ўзбеклар ва тожиклар» деб аталган доимий ишловчи виставка очилди.

— Бу виставка, — дейди Урта Осиё халқлари бўлимининг мудири А. Морозова, — Узбекистоннинг қирқ йиллигига бағишланади. Бу ерда 500 дан ортиқ ҳар хил экспонатлар бўлиб, ўзбек халқининг турмуш ва маданиятда эришган муваффақиятларини тасвирлайди.

Бу экспонатлар қандай тўпланган?

— Бир неча йил давомида, — деб тушунтиради А. Морозова, — музейимизнинг экспедицияси Узбекистонга бориб халқнинг ўтмишдаги ва ҳозирги маданий ҳамда турмуш хусусиятларини ўрганди. Бу ишда экспедицияга маҳаллий музейлар, республика фанлар академиясининг институтлари катта ёрдам берди.

Ҳақиқатан ҳам виставка заллари бўйлаб юрар экансиз жуда қизиқ экспонатлар, нодир фотосуратларга дуч келасиз. Утган асрнинг охирида ва Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида нодир экспонатларни тўплаш ишида музейга Самуил Мартинович Дудин катта ёрдам қилган. Музей уни 60 йил муқаддам Туркистон ўлкасига юборган эди. Чарчамас тадқиқотчи, рассом ва фотограф С. Дудининг маршрути ғоят мураккаб ва қизиқарли бўлган. У Чоржўй, Хева, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Пржевальск шаҳарларини кезиб чиққан, сўнгра Тан водисига, ундан Қашқарга, сўнгра Олой воҳаси орқали Бухоро хонлигига ўтган.

Дудин умрининг 30 йилини Урта Осиёни ўрганишга бағишлади. У музей учун ажойиб этнографик коллекциялар тўплади, архитектура, меъморчилик ва гиламлар ҳақида мақолалар ёзди. У 4 мингдан ортиқ ҳар хил буюмлар, амалий санъат намуналари тўплади, 2 мингта сурат ишлади.

Виставкада ўзбек бадиий буюмлари кенг ўрин олган. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигигача виставка экспозицияларини яна бирмунча бойитишга қарор қилинди.

Ленинградликлар, кўплаб чет эллик меҳмонлар бу виставка орқали ўзбек халқининг маданият соҳасида эришган катта ютуқлари билан танишмоқдалар.

О. АПУХТИН.

ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ МОСКВАДА

Ҳар йили Москвада ёз гулларининг кўрик-виставкасини ўтказиш традиция бўлиб қолди. Бу кўрик Бутуниттифоқ халқ хўжалин ютуқлари виставкаси павильонларида ўтмоқда. Бу ерда Москва, Минск, Таллин, Рига, Омск, Красноярск, Ереван ва бошқа жуда кўп шаҳарлардаги машҳур гулчилар етиштирган 500 хилдан ортиқ гулларни кўриш мумкин. Тошкентликлар юборган гул экспозицияси жуда чиройли. Гладиолуслар, атиргулларнинг хилма-хил навлари томошабинларни ўзига мафтун этмоқда. Гуллар виставкасини ҳозиргача юз мингдан ортиқ москваликлар келиб кўрди.

Л. АПАРНИКОВ,

ЎҚ БИЛАН 20 ЙИЛ ИШЛАГАН ЮРАК

Бу кичкинагина металл парчаси ҳар куни Николай Белишевга ўлим хавфи солиб турарди. Йигирма йил муқаддам фашист ўқи Белишев юрагининг чап қоринчасидаги тўқимага қадалган эди. Врачлар уни олиб ташлаш жуда ҳам оғир вазифа деб ҳисоблар эдилар. Яқинда фалокат бошланди. Ўқ «жонланди». У ҳаракат қила бошлади. Бу ҳол юрак томирини ёриб юборишн мумкин эди. Ярославль область клиник касалхонасининг хирурги Петр Михайлов собиқ жангчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун қарор қилди. У жуда оғир ва мураккаб операция қилди. Ўқ олиб ташланди. АПН мухбири клиник касалхонада бўлиб врач ва шифо топаётган бемор билан суҳбатлашди.

— Операция муваффақиятли ўтди, — деди хирург, — Яқин кунларда Николай Белишев меҳнат қучоғига қайтади. (АПН).

ФУТБОЛ

ДАСТЛАБКИ ДУРАНГ

Кеча «Пахтакор» командаси финалдаги биринчи учрашувни Ереваннинг «Арарат» командаси билан ўтказди.

Шуни очиқ-ойдин эътироф этиш керакки, ҳар иккала команда ҳам яхши ўйин кўрсата олмади. Айниқса ҳамшаҳарларимиз кўп имкониятларни қўлдан бой бердилар. Улар ўйин давомида бирорта ҳам эсда қоладиган чиройли комбинация ишлатишмади. 16-минутда И. Малиновский қулай имкониятдан фойдалана олмади. 24-минутда эса Б. Абдураимов бошлаган комбинацияни Г. Красницкий рақиб дарвозасига тўп киритиш билан якунлади. Шундан сўнг пахтакорчилар суръатни бўшаштириб юбордилар.

Ўйиннинг иккинчи бўлими меҳмонларнинг бир мунча устунлигида ўтди. Улар кетма-кет ҳужумга ўтабошладилар. 60-минутда меҳмонлар капитани Овивян тўпни зарб билан тепиб дарвозага киритди. Ю. Пшеничников тўпга ташланмади ҳам. Умуман ҳимоячиларимиз ҳам, ҳужумчиларимиз ҳам жуда бўш ўйнашди.

«Пахтакор» навбатдаги ўйинни 10 сентябрда ўз майдонида Тбилисининг «Лономотив» командаси билан ўтказади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

УСТУНЛИК МАЙДОН ЭГАЛАРИДА

РСФСР 5-зонасида беллашаётган республикамиз командалари навбатдаги учрашувларни ўтказдилар.

«Политотдел» колхозининг футболчилари Тюмень шаҳрининг «Прибой» командасини қабул қилиб 2:0 ҳисобида устун чиқилар. Бу ғалаба майдон эгаларини пешқадамлар сафига олиб чиқди. Иккинчи ўринда бораётган Магнитогорскнинг «Металлург» командаси Фарғонада маҳаллий нефтяник» футболчиларидан 1:3 ҳисобида енгилди.

Андижонлик спартакчилар Оренбургнинг «Локомотив» футболчиларни қабул қилдилар. Бу учрашувда ҳам мезбонларнинг қўли устун келди. Майдон эгалари бир тўп киритиб икки очкога эга бўлдилар. Самарқанднинг «Спартак» ва Миасс шаҳрининг «Торпедо» командари учрашувида ҳисоб очилмади.

САЛОМАТЛИК. Уни қандай эҳтиёт қилиш керак?

УЗОҚ УМР КЎРИШ „СИРЛАРИ“

Инсон неча ёшгача яшаши мумкин? Ҳамма даврларда ўтган олимлар инсон юз ва ундан ортиқ йил ҳам яшаши мумкин, деган фикрни айтганлар. Бу нуқтаи назарни мамлакатимизда 1959 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижалари қатъий тасдиқлади. Россия федерацияси территориясида 80 дан 89 ёшгача бўлган 849 минг киши яшаган; 90 дан 99 ёшгача бўлганлар 100 минг кишини ва 100 ва ундан юқори ёшдагилар 9,5 минг кишини ташкил этган. Шунингдек 120 дан 156 ёшгача бўлган юздан ортиқ киши рўйхатга олинган. Юзга кириб яшаётганлар РСФСР-да АҚШдагига қараганда уч марта кўп. Бизда ҳар бир миллион аҳоли ҳисобига 81 та юз ёшга кирган киши, АҚШда эса атиги 30 киши тўғри келади.

Узоқ умр кўриш учун қуришш — бу даставвал, ҳар бир кишининг ўз организмини системоли равишда парвариш қилиши демакдир. Шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, бу ҳақда 60—70 ёшга киргандагина қайғирмасдан, балки болаликдан ўйлаш керак. Саломатликни ёшликдан эҳтиёт қилиш даркор.

Инсон ҳаётини қисқартирувчи бир қатор сабаблар мавжуд. Яқин ўтмишда ҳамма мамлакатларда юқумли касалликлар ана шундай сабаблардан бири ҳисобланарди. Антибиотиклар ва бошқа турли хил шифобахш препаратларнинг кашф этилиши билан юқумли касалликлар кескин камайиб кетди. Айрим маълумотларга қараганда (Ж. Бернал, 1956 йил) ҳозирги замон клиникасига антибиотиклар ва даставвал пенциллининг киритилиши инсон ҳаётига 7 йил «қўшди».

Умрни қисқартирувчи иккинчи муҳим сабаб рак, юрак қон томирлари, ошқозон-ичак, асаб, эндокрин ва бошқа системаларнинг касалланишидан иборат ички касалликлардир. Узоқ умр кўришга қаршилик қилувчи учинчи сабабга нотўғри овқатланиш натижасида кишн организмида асталасекин рўй берадиган ўзгаришларни киритиш мумкин. Тартибсиз машиий режим эса узоқ умр кўришга қаршилик қилувчи тўртинчи категориядир.

Ичкилик ва чекишнинг зарари ҳақида алоҳида уқтириб айтиш керак. Мавжуд катта статистик материал шуни кўрсатадики, инсон умрини қисқартирувчи сабаблар орасида ичкилик ва чекиш олдинги ўринлардан биринчи ишгол қилади.

Саломатликни сақлаш, касалликнинг олдини олиш ва жуда кексайиб қолганда ҳам саломатлик ва бардамликка эга бўлиш учун киши ўзини қандай тутиши керак?

Меҳнат фаолияти кишн соғлом ҳаётининг асоси. Узоқ умр кўриш учун оқилона дам олиш ҳам муҳимдир. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, дам олганда чарчоқдан фориғ бўлишга эришиш лозим. Бедорлик ва ўйқуни тўғри ташкил этиш саломатлик учун жиддий аҳамиятга эгадир. Уйқу вақтида кишн организми дам олади: юрак бирмунча секин уради, нафас олиш анча меёрида бўлади. Уйқу бош мия пўстлоқлари ҳужайралари учун айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Ақлий меҳнат кишилари жисмоний меҳнат билан шуғулланадиганларга қараганда кўпроқ ухлаши даркор. Уриндан эрта турши фойдали, лекин вақтлироқ ётиш керак. Каттароқ ёшдаги кишилар учун кечқурун тўйиб овқат ейиш уйқуга заварли таъсир кўрсатади. Энг яхшиси овқатни уйқудан икки соат чамаси олдинроқ ейиш керак. Уйқу олдидан кофе ёки аччиқ чой ичиш керак эмас. Чунки улар асаб системасини қўзғатади ва уйқусизлик пайдо қилиши мумкин. Уринга ётиш олдидан очиқ ҳавода 0,5—1 соат мобайнида сайр қилиб юриш жуда ҳам фойдалидир.

Катта ёшдаги кишилар физкультура билан шуғулланишлари лозим. Гап шундаки, катта ёшдаги кишиларда айниқса кам ҳаракат қилувчиларда оксидланиш процесси, ҳужайраларнинг озиқланиши сусаяди. Юрак мускуллари суст ишлайдиган бўлиб қолади. Тузларнинг чўкиб қолиши натижасида томирлар деворининг эластиклиги бузилади, натижада баъзан қон босими ошиб кетади. Жисмоний меҳнат ва спорт машқлари маълум даражада ана шу процесларни секинлаштиради.

Катта ёшдаги кишн мол ёғи, айниқса қўй ёғини камроқ истеъмол қилиш керак. Бундай ёғлар биринчидан, ёмон ҳазм бўлади, иккинчидан улар таркибида атеросклерознинг ривожланишига олиб келувчи холестерин кўп миқдорда бўлади. Бундай ёшдаги кишиларга ўсимлик мойи истеъмол қилиш анча фойдалидир.

Кўпинча катта ёшдаги кишиларда семириб кетиш ҳоллари рўй берадн. Бу эса ички секреция безларининг ишдан чиқиши, оксидланиш процессларинкнг ошиб кетиши ва пасайишига сабабчи бўлади. Тери ости клетчаткада ва бир қатор ички органлар атрофида ёғнинг кўп тўпланиши томирлар артеросклерозининг ривожланишига олиб келади. Бу эса кўпинча юрак ва мия қон айланишининг бузилишига сабабчи бўлади. Агар бу ҳолат ички секреция безларининг бузилиши билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда ёғ, қанд, турли ширинликлар, хамир ва крупа овқатлар ва картошка истеъмол қилишни камайтириш йўли билан томирлар атеросклерозига сабаб бўлувчи бундай семиришнинг олдини олиш мумкин.

Инсон саломатлиги, узоқ умр кўриш ҳам асаб системасининг ҳолатига жуда кўп жиҳатдан боғлиқ. Нерв системаси, айниқса унинг олий бўлими — бош мия пўстлоғи қаришда асосий роль ўйнайди. Демак, нерв системасини авайлаш ва сақлаш керак. Академик А. А. Богомолец шу ҳусусда бундай деб ёзади: «Кишн ўз характерини тарбиялаши лозим: жанжалга олиб келувчи ҳаддан ташқари асабийлашиш умрни қисқартиради».

Экспериментал маълумотларга асосланиб, профессор М. К. Петрова организмнинг ҳар хил касалликларга дучор бўлишида, ҳатто рак бўлишгача бориб етишида ва барвақт қаришда руҳан майиб бўлиш афтидан энг муҳим роль ўйнайди, деган хулосага келди.

СССРда узоқ умр кўриш проблемаси комплекс тадбирларни ва даставвал меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ошириш йўли билан ҳал этилмоқда. Охирги сессияда колхозчиларни пенсия билан таъминлаш тўғрисида, халқ маорифи ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари ва халқ хўжалигининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи бошқа соҳаларида ишлаганларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида қабул қилинган қонунлар бунинг ёрқин исботидир.

Совет медицинаси совет кишилари янада кўпроқ яшашлари, қарилик уларни меҳнат ҳаётидан ажратиб қўймаслиги, уларнинг жамият билан алоқасини сусайтирмаслиги учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишга ҳаракат этмоқдалар.

Бу вазифани ҳал этишда бизнинг ўзимиз биринчи ёрдамчилар бўлишимиз керак.

Е. ВАСЮКОВА,
профессор.
(«Сельская жизнь» газетасидан).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 6 СЕНТЯБРЬ 1964 ИЙЛ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Нашр. № 1835.
ИНДЕКС 64695.
Р. 11875.